



Ishonch

Моҳият

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Президенти ОДКБ ва МДХ саммитларида иштирок этди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 декабр куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Шундан сўнг аъзо мамлакатлар расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги мажлис бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида Ўзбекистон нуктаи назарига кўра, принципиал аҳамиятга молик масалаларга тўхтади.

1992 йилда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома унда иштирок этаётган давлатларнинг суверенитетини сақлашни таъминлашга қаратилган ўзининг асосий вазифасини муносиб бажариб келмоқда. ОДКБ томонидан Шартномани мустаҳкамлаш ва уни бугунги геосийосий вазиятга мослаштириш бўйича амалга оширилган чоралар ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириш ва коллектив хавфсизликнинг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган ва янги таҳдид ҳамда хатарларга қарши курашиш имконини берди.

2002 йилда ташкил этилган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарди. Ташкилотнинг фаолият йўналишлари кенгайиб, терроризм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ-

нинг ноқонуний савдосига, уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

ОДКБга аъзо давлатлар ўзлари масъул бўлган ҳудудда барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мажлис якуни бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг 10 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг ҳам мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида МДХ ва унинг таркибидagi институтларнинг ўтган 20 йил давомидаги фаолиятини батафсил таҳлил қилар экан, кескин тарихий бурлиш палласида ўз умрини яшаб бўлган тизимни тинч йўл билан тугатишда ушбу тузилма муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил толган вақтдан бошлаб, унинг амалий ҳаракатларини бирлаштирадиган ва янги шаклда кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформага айланганини мунтазам ёқлаб келмоқда.

Мажлисда Ислом Каримов Ҳамдўстлик унга аъзо мамлакатлар халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформа яратишдан бирдек манфаатдор бўлган суверен давлатларнинг бирлашмаси эканини таъкидлади.

Ҳамдўстлик 20 йиллик фаолияти мобайнида ўз ваколатлари бўйича зиммасига юклатилган вазифаларини бажариш юзасидан кўплаб хайрли ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Ўзбекистон раҳбари МДХ тузилмаганида собиқ иттифоқ ҳудудида кўплаб муҳим ҳаётий йўналишларда, авваломбор савдо-иқтисодий муносабатларни, коммуникация ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва гуманитар соҳалар каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эканини қайд этди.

Ўзбекистон томони, айрим параллел интеграцион жараёнларга қарамай, МДХнинг келажига ишонч билдиради. Ҳамдўстлик кўп қиррали умумий ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлиши, шунингдек, бевоқиф мулоқотлар ҳамда давлатларaro мунтазам алоқалар, шу жумладан, МДХ доирасидаги икки томонлама учрашувлар, мамлакатлар ва тегишли тузилмалар раҳбарлари даражасидаги музокаралар учун платформа ёки форум бўлиб қолиши

мумкин ва зарур.

Сўнгги йилларда собиқ иттифоқ ҳудудида интеграцияга оид янги таъбибу ва таклифлар илгари сурилмоқда, давлатларaro турли тузилма ва иттифоқларни шакллантириш жараёнлари давом этмоқда.

Ўзбекистон ўзининг бу масаладаги ёндашуви ва сиёсатини биринчи навбатда узоқ мuddатли миллий манфаатлари асосида, мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган устувор йўналишлар, шунингдек, амалдаги миллий қонунчилик ва қабул қилинган халқaro мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилайди.

МДХ фаолиятининг самарадорлиги унинг доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда фаолият йўналишларининг истисносиз барча аъзо мамлакатлар манфаатларига, бутун Ҳамдўстлик ҳудудида барқарор тараққиётни таъминлаш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги долзарб мақсад ва вазифаларга нечоғли мос келишига боғлиқ экани таъкидланди.

МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзарo ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва халқaro аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгаши ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлислари якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



Мустаҳкам ижтимоий ҳамкорликдан кучли ижтимоий ҳимояга

Жамоат бирлашмалари орасида касба уюшмалари алоҳида мавқега эга. Бу уларнинг оммавийлиги, кенг қамровли ташкилий тузилмаси, аксарият корхоналарда бошланғич ташкилотлари мавжудлигида кўринади.

Энг муҳими, жамоат ташкилотларидан фақат касба уюшмаларига меҳнат соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида касба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ва манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши белгиланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида касба уюшмаларининг ҳимоя функцияси, асосан, бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя йўналишларида амалга оширилади. Соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишлар, касбий тайёргарлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари ёрдамчи вазифалар қаторидан жой эгаллайди.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик

Бугунги кунда касба уюшмаларининг ҳимоя функциясини фақатгина ижтимоий шериклик механизмлари орқали амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Ҳаракат дастурида: «Ёлланма ходимлар, иш бевуқчилар ва давлат манфаатларини ўзарo уйғунлаштиришга, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган амалий ижтимоий шериклик жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг самарали усули сифатида ўзини намoён қилади ва шу йўл билан мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарор ривожланишига пухта замин яратди» дея белгиланган.

Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий – меҳнат муносабатларининг алоҳида бир тизими сифатида давлат, иш бевуқчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

Ўзбекистонда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни амалга ошириш учун ишчан ҳуқуқий негиз яратилган. Хусусан, Халқaro меҳнат ташкилотининг 13 та конвенцияси ратификация қилинган. Меҳнат кодекси, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифи этилгани эса бу борада ҳуқуқий асосни кучайтиришга замин яратди. Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий миқёсларда амалга оширилади.

Умуммиллий миқёсда жорий йилнинг 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишув имзоланиб, 2 март куни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида билдириш рўйхатидан ўтказилди.

Бош келишувда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида бoб бўлиб, унга, жумладан, қуйидагилар киритилган:

- ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солишчи миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни амалга ошириш;
- долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистон касба уюшмалари фаоллари ва иш бевуқчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиб бориш;
- тегишли касба уюшмалари ва иш бевуқчилар ўртасидаги тармоқ (тариф) келишувларини тегишли йилнинг январ ойидан, корхоналарда жамоа шартномаларини эса март ойидан кечиктирмай тузишни тавсия этиш;
- тармоқ ва ҳудудий миқёслардаги ижтимоий шерикларга тариф ва минтақавий келишувларни тузиш имкониятини ўрганиб чиқишни тавсия этиш;
- ижтимоий шерикларга меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва у ўз вақтида тўлашни таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар қўришни тавсия этиш;
- жамоа келишувлари ва шартномаларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари сайлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш ва уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиш масалалари акс эттирилиши жараёнлари устидан жамоат назоратини таъминлаш.

Бош келишув амалга оширилишини назорат қилиш учун уч томонлама комиссия тuzилган.

Жамиятни ислох қилишнинг муҳим йўналишларига оид давлат дастурларини амалга оширишдаги касба уюшмаларининг иштироки ҳам Ҳукумат билан амалий ҳамкорлик белгиси ҳисобланади.

Ҳукумат сўровига биноан касба уюшмаларининг янги иш ўринлари яратилиши соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошираётганлигини ижтимоий шерикликнинг янги қирраси сифатида баҳолаш мумкин.

Бандликка қумаклашмиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш дастури ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига асосан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторинги ўрнатилган.

Жорий йилда касба уюшмалари фаоллари томонидан 1369 та корхона-ташкилотда 12826 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон фаришларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағатлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Саноатгеоконтехнозорат» давлат инспекцияси, Болалар спортини ривожлантириш жамағатлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўртасида қўшма тадбирлар режалари тасдиқланиб, амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Анжуман

Бугунги кунда ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор, ўқиш ва ишлаши учун яратилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бераётди. Буни уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари мисолида кўришимиз мумкин. Умуман, ёшларга оид давлат сиёсатини, унда белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмаларининг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга ошираётган ишлари эътиборга сазовор. Бунда Федерация ва унга аъзо ташкилотлар қошидаги Ёшлар кенгашларининг ҳиссаси катта бўлаётди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳияти ва Ўзбекистон касба уюшмалари қошидаги Ёшлар кенгашларининг олдидаги долзарб вазифалар» мавзусидаги анжумани бу борадаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Ёшлар – келажакимиз пойдевори

Анжумани Федерация кенгаши раиси ўринбосари, УзКФФ Ёшлар кенгаши раиси Нормат Аллаёров очар экан, жумладан, шундай деди:

— Ушбу кенгайтирилган йиғилишимизни ўтказишимиздан асосий мақсад, аввало, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш ва жойларга бориб ёшлар орасида кенг тарғиб этишдир. Ушбу асар мустақиллик арафасидаги таҳликали давр ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Уша пайтлар юртимиз ишлаб чиқариш бўйича халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида собиқ Иттифоқ республикалари орасида охириги ўринларда турган. Хомашё етказиб бевуқчи базага айланган. Ижтимоий соҳалар эътибордан четда қолган, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг инфраструктураси ночор аҳволда бўлган. Истиқлол эса вазиятнинг бутунлай ижобий томонга ўзгартиришга сабаб бўлди.

Кўриниб турибдики, Президентимизнинг асарини фаол ёшларимиз жойларга бориб тарғиб этиши асосий вазифаларимиз сирасига киради. Бундан ташқари, бугун ёшларимиз олдида турган вазифалар, Ёшлар кенгашларини янада фаоллаштириш, жамоа келишув ва шартномаларига ёшларимиз манфаатини ифодаловчи имтиёзлар киритиш каби масалаларни атрофлича муҳокама этиб олишимиз керак.

Шундан сўнг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб ўтди. Жумладан, ёшларимизнинг муста-

қиллик энг улуг бaxт экани, унга эришиш оson кечмаганини англашда китобнинг аҳамияти бекиёслигини таъкидлади.

— Дарҳақиқат, Юртбошимиз мустақиллик арафасидаги ўша оғир, таҳликали даврда тўғри йўл танлаб, халқимизни мураккаб вазиятдан эсон омон олиб чиқди. Энг муҳими, китоб мустақиллик тарихи ҳақида ёшларга сабоқ беради.

Шунингдек, маърузачи ўша даврлардаёқ ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, уларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш, истеъдодли ёшларни чет элларда таълим олишини таъминлаш борасида ҳаракатлар олиб борилганлигига урғу берди.

Энг муҳими, «Биз бундан буйён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» дея қатъий мақсад билан халқимизни истиклолга бошлаган Президентимизнинг эзгу ғояларини юртдошларимиз қўллаб-қувватлади. Бу эса бугунги дорилором кунларимиз асоси бўлди десак, муволаға қилмаган бўлаемиз.

Анжуманда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудирилар ҳам ўз фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтишди.

Юнус Ғофуров, УзКФФ ташкилий ишлар бўлими мудири:

— Жорий йилда Федерация кенгаши томонидан белгиланган 11 та устувор йўналишлар бўйича ишлар изчил амалга оширилди. Жумладан, оптималлаштириш туфайли 14 та тармоқ касба уюшмалари ўрнига 11 та тармоқ фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, бошланғич ташкилотларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларга


бориб бевосита уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш ва амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бошланғич ташкилотлар ишини янада самарали ташкил этиш мақсадида «Бошланғич ташкилот учун қўллама» тайёрланди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ҳисобида қоладиган маблаг 53 фонддан кам бўлмаган миқдорда белгиланди. Бундан ташқари, 12000 дан зиёд касба уюшма фаоллари ўқитилди. Бу, албатта, уларнинг кейинги фаолиятида асқотади. Бу каби ишларимиз бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Махмуд Исаев, УзКФФ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири:

— Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик касба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида: «Касба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир», дея белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ, бўлишимиз асосан иш ҳақи масалалари, бандлик, янги иш ўринлари яратиш мониторинги, ёшларни ишга жойлаштириш, «Усто-шогирд» аънанасини кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя каби вазифаларни қамраб олади. Бунини, юқорида айтганимиздек, ижтимоий шериклик механизмларини ишга солиш орқали бажариши мумкин. Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномалари кўмағида Ҳукумат, иш бевуқчи ва ходим манфаатларини уйғунлаштириш орқали қўллаб муаммолар ҳал этилмоқда.

(Давоми 4-бетда)



Нурли умр соҳиб

Кеч кириб, чироқлар чарқлаб ёнса, мен кўпинча Тўлқин Солиевни эсламан. У билан тенгдошимиз, битта мактабда ўқиганмиз. Уша даврларда юз берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. 9-синфда ўқиб юрган кезларимиз эди. Акбарободга пахта тергани борадиган бўлдик. Ҳаммамиз йиғилиб турганимизда чорраҳага «ЗИЛ» келиб тўхтади. Бир-иккита чапани йиғитчалар ҳаммадан олдин машинага ўзини урди. Шунда бошига шапкани тескари кўндирган, эгнига ичмам бекасам тўн кийган бўйдоқ йиғит — Тўлқинжон: «Хай, хай! Тўхтаманг!» деган икки қўлини баланд кўтарди. Ва чаққонлик билан машинага чиқиб, баланд овозда эълон қилди: «Дик-

кат! Машинага аввал қизлар чиқишди. Улар жойлашиб олишгач, кейин ўғил болаларга навбат!».

Орадан, 60 йил ўтди. Уша манзарани ҳар эслганимда, ҳа, бўладиган бола бошидан маълум, деганлари рост, дейман. Дарвоқе, юрагиди ўти бор бу йиғит мактабни тугатгач, Қўқон нефть техникумининг энергетика бўлимини тамомлади. Ва шу соҳада фидойи меҳнат қилди. Бир-икки йил техник электрик бўлиб ишлаганини ҳисобга олмаганда, бир умр шу соҳанинг тадбиркор, ишбилармон раҳбари бўлди. Олий ўқув юртини сиртдан битирди. 1963 йили Тўлқин Солиев Кува электр тармоғига бошлиқ бўлганда, идоранинг ҳатто биноси йўқ эди. Раҳбарларга учраб ер олди. Ҳашар йўли билан барча қулайликларга эга бўлган бино барпо этилди, жиҳозланди. Уз навбатида у кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эъти-

бор қаратди. Вилоятда энг катта туман бўлган Қуванинг барча қишлоқларига, қорхона ва тиббиёт муассасаларига электр нури етиб борди. Электр нуридан ўғринча фойдаланувчиларнинг таноби тортилди. Катъий интизом ва жасад ишлаб чиқариш маданияти йўлга қўйилди. Қишлоқлар малакали мониторинг билан таъминланди. Тўлқин Солиев йиллар давомида ўзи каби ўнлаб, балки юзлаб шогирдлар еттиштирди. Шогирдларидан Адхамжон Тешабоев ҳозир вилоят бўйича давлат энергия назорати директори, Анваржон Каримов водий МЭТ хавфсизлик техникаси бош назоратчиси. Раҳматжон Гафуров Кува тумани электр тармоқлари бошлиғи. Равшан Раҳимов Кува ТЭТ бош муҳандиси...

Кува электр тармоғини 40 йил бенуқсон бошқарган Тўлқин Солиев «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган энер-

гетик» ва «Энергетика аълоҳиси» унвонлари билан тақдирланди. Кува «Энг яхши электр тармоқлари тумани» кўрик-танловида катнашиб, йиллар давомида энг олий ўринларни эгаллади, тармоқ касабга уюшмаси Марказий кенгашининг мукофотларига сазовор бўлди. Мухими, шунданки, Тўлқин Солиев ўз жамоасида одамларга меҳрибонлиги, самимий муомаласи, қулай иш шароити яратиши билан хурмат, эъзоз топди. Хар бир ишчи билан оғанин ёхуд ота-боладек яқин бўлиб кетди. Уларнинг яхши-ёмон кунларига доим елкадош бўлди. Нурли ҳаёт кечириб, ҳамон юзи-қўзидан нур ёғилиб турган Тўлқин Солиев узок йиллик меҳнатлари мевасидан баҳраманд ҳолда оилада ували-жували бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда.

Бекмирза МАҲМУДОВ, Кува тумани Зиндонтепа қишлоғи

Орамиздаги одамлар

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев маҳалласида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида маҳалла фуқарolari билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда фуқароларга ёнғин хавфсизлиги талаб ва қоидаларига қатъий риоя қилинмаслиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги соҳа ходимлари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Қизгин учрашув

Ажабланарлиси шундаки, кўплаб хонадон эгалари ханузгача қўлбола ясалган электр плиталаридан фойдаланиб келмоқда. Маиший хизматда ишлатиш қонун-қоидаларини яхши билмасдан ёки билмасдан ҳолда ҳам унга риоя қилмасдан кўплаб қўнғилсизликлар келиб чиқишига сабабчи бўлишмоқда. Бундай эътиборсизликлар оқибатида йиллаб йиғилган мол-мулк, уй-жой бир неча дақиқада қуйиб қулга айланади. Айрим ҳолларда инсонлар соғлиғига зарар етади. Масалан, яқинда Ҳамза туманида кўлбола электр ускунасида фойдаланиш оқибатида икки гўдак отаси билан бирга

ёниб кетишган. Омон қолган бир ўғил ва она жиддий тан жароҳатлари билан ҳозирги вақтда даволанмоқда.

Бундай ёнғинлар билимсизлик оқибатида содир этилмоқда десак, янглишмаган бўлмас. Чунки ҳар бир инсон гўда ёки электр ускуналарини лоқайдлик билан ишлатса, оқибати нималарга олиб келишини жуда яхши билишади.

Ёнғин офат келтиради, яқинлардан жудо қилади. Шунинг учун хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш барча фуқароларимизнинг бурчидир.

Ж. НАРГИТОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ АТТБ муҳандиси

Солиқ ва ҳаёт

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан кредиторлар йиғилиши баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ҳужжалик судига топшириш мuddати қисқартирилди. Эндиликда мазкур ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан эътиборан икки кундан кечиктирилмай ҳужжалик судига топширилиши керак.

Қонун такомиллашди

Ҳужжалик судида банкротлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш мuddати ҳам қисқартирилди. Қонунга киритилган ўзгартириш муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юристига қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ойдан (аввал у ойдан) ортиқ бўлмаган мuddатда қўриб чиқилади.

Ҳужжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрларда эълон қилиш мuddатлари ҳам қисқартирилди. Эндиликда бу маълумотлар олинган пайтдан эътиборан «Тўқ» кўни йиғида эълон қилиниши лозим.

Ушбу қонуннинг 59-моддасига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Қузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатиш мuddати ҳам юристиш жараёнида суд бошқарувчиси ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалар, шу жумладан, ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалар, шунингдек, кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳусусидаги шикоятларини бу ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик мuddатдан кечиктирилмай ҳужжалик суди томонидан амалга оширилади.

А.УСАРОВ, Шайхонтоҳур тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси. Соҳа ходимлари ва бунёдкор халқимизни Энергетикар кўни ҳалғида кириб келаётган Янш — 2012 йил билан салбий нуборакбоғ этади. Бугундан эртасини янада фаровон қилаётган жонажон юртимиз меҳнат аҳлига ва уларнинг оила аъзоларига сихат-саломатлик, хушқайфият, хонадонларига қут-барака тилайди.

Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

лик байрами арафасида ўтказилган цехлараро футбол мусобақаси ишчиларнинг ёдида қолди. 12 та жамоа ўртасидаги баҳс анча қизгин ва кескин ўтди.

— Ходимлар манфаати, уларнинг хавфсиз иш шароитларида ишлаши, уларга

лик тамойиллари асосида ёшларни қўлаб-қувватлаш, фахрийларни эъзозлаш тадбирларини амалга ошириб келмоқда. 24 нафар ходимга Президентимиз раҳнамолигида қўрилаган намунали уй-жойлардан олиши учун фойсиз судулар аж-

Ширинсухан Анвар ака

боссангиз оёғингиз тешигига тушиб кетгудек бўлиб қолган пол алмаштирилди. Мажлид залининг синик ўтиргичлари ҳам янгиланди. Бугун бу ерда ҳар қандай адабий-бадиий кеча, фаоллар йиғилиши ёхуд бошқа шу каби тадбирларни бемалол ўтказиш мумкин. Маънавият ва маърифат маркази ҳовлисидаги баравар ривожланиётган мевали дархатларнинг экилиши ҳам А. Аширов бошқаларга намуна бўлганди.

Халқимиз санъатни севади. Шу жумладан, Талимаржон ИЭС унитар корхонасида ҳам диллари санъатга ошуфта инсонлар кўп. Анвар ака уларнинг бошини қовуштириб, «Нуристон» дастасини ташкил этди. Тармоқ касабга уюшмаси Марказий кенгаши томонидан даста тўлиқ мусикий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Марказининг ертўласи ҳам кенгинга. А. Аширов бу ерни спортсевар ходимлар ва уларнинг фарзандлари учун яхшилаб жиҳозлаб берди. Бу ерда бокс, оғир атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича машғуллар йўлга қўйилган.

Корхона қошидаги «Турон» спорт клубида Зайниддин Аширов ёшларга ашиқара-қаратэ сирларини ўргатмоқда. Жорий йилда клуб тарбияланувчиларидан тўрт нафари Латвияда ўтган халқаро тур-

нирда иштирок этиб, улардан учтаси олтин медал билан қайтди. Яна бир эътиборли жиҳат, талимаржонлик ишчилар тармоқ спартакиадаларида фаол катнашди. Баҳор фаслида ёқилиб-энергетика комплекси, кимё сананоати ва геология ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ўтказилган минн футбол мусобақасида Талимаржон ИЭС унитар корхонаси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Жамоа Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиғига бағишлаб, Қарши шаҳрида ўтказилган Республика турнирида ҳам бош мукофот соҳиб бўлди. Корхона чилангари Зайниддин Аширов оиласи эса «Отам, онам ва мен — спортсевар оила!» ширин остида ташкил этилган мусобақанинг вилоят босқичида иккинчи пилондан жой олди.

Жорий йилда корхона ҳужжалик органи маблаглари ҳисобидан Нуристон қўрғони аҳолисига ажойиб совға ҳозирланди. Қўрғон ҳудудида янги стадион қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугун бу ерда Нишоннинг «Нуристон машъали» футбол жамоаси ўзининг уй учрашувларини ўтказяпти. Эътиборли томони, жамоа айна пайтда вилоят чемпионатида пешқадам, биринчи лигага чиқиб эса жамоанинг асосий мақсади.

Янги стадионда Мустақил-

қўшимча енгилликлар туғдириш, соғломлаштириш тадбирлари маъмурият ва касабга уюшма қўмитасининг асосий эътиборидаги масалалардир, — деди биз билан суҳбатда А. Аширов. — Корхонада жамоа шартномаси орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳам бир ходим учун бир йилда 726 минг сўм маблаг сарфланмоқда. Бундан ташқари, корхонада «Техника хавфсизлиги кўриги» тадбирлари ўтмоқда ва бу телевидение, радио ва газеталарда ёритиб бориляпти.

Ўтган йили Яккабоғ туманидаги «Соҳибқирон» оромгоҳи корхона тасарруфига берилди ва қисқа вақт ичиде эса «Отам, онам ва мен — спортсевар оила!» ширин остида ташкил этилган мусобақанинг вилоят босқичида иккинчи пилондан жой олди.

Корхона раҳбари Искандар Басидов ходимлар ва Нуристон қўрғони аҳолисига тиббий хизмат қўрсатадиган шифохона қурилишига бош-қош бўлганлиги ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Айни пайтда масканнинг таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Искандар ака «Барча қилаётган ишларимиз инсон манфаатлари учун!» деган қондага амал қилиб келади. Касабга уюшма қўмитаси ва маъмурият ижтимоий шерик-

ратилди... Анвар ака бирор масалани кўриб чиқайтганда, унга чуқур ёндашади. Корхона маъмурияти меҳнат интизомини бузган тўрт нафар ходимни бушатиш ҳақида касабга уюшма қўмитасининг розилигини сураганда, у ҳулоса беришга шошмади. Аксинча, ходимларнинг оилавий аҳолини ўрганиб чиқиб, уларни ўз вазифасида сақлаб қолди.

— Бандлик — бугунги куннинг долзарб масаласи. Ишсиз қолган бир ходимнинг ортисида унинг болалари, оиласи турибди. Шундай экан, уларни ҳимоялаш бурчимиздир, — дейди у. — Шунингдек, жорий йилда касб-хўнар коллежларини тугатган ёшларни ишга жойлаштириш масаласига ҳам катта эътибор берялмиш. Ҳозирга қадар 48 нафар битирувчи корхонамига ишга жойлашди.

Хуллас, Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси касабга уюшма қўмитаси қўлгина жабаўларда илғу. Шу боисдан ҳам қўмита тармоқ касабга уюшмаси вилоят кенгаши мутахассислари томонидан «Энг намунали бошланғич ташилот» кўриктанловининг вилоят босқичида голиб деб топилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Карақалпақский филиал Республиканской универсальной агропромышленной биржа сообщает: 21 января и 06 февраля 2012 года в 12.00 часов в городе Нукусе зале заседания Комитета по демонаполизации и развитию конкуренции РК проводится открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу: 1. Арестованные отделением департамента по исполнению судебных решений Кунградского района согласно решению суда по УД Кунградского района выставляются Автомашина Нексия 2009 года выпуска, г/н 95 L 196 AA. Начальная цена 16 650 000 сум. Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 по все дни кроме воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с № 20208000904622156001, МФО 00585, ИНН 206916090 КК филиала «РУ АПБ» в АК Турон банк. Адрес: РК г.Нукус, ул.А.Тимур дом №129 а. Телефоны для справок: 222-55-84

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧК бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! И/ч, д/р 40 566 EAA. Бошланғич баҳоси — 2 183 000 сўм. 7. «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси, 1996 йилда и/ч, д/р 40 146 NAA. Бошланғич баҳоси — 2 137 000 сўм. 8. «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, 1998 йилда и/ч, д/р 15 AD 624. Бошланғич баҳоси — 7 114 500 сўм. 9. «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, 1997 йилда и/ч, д/р 40 181 САА. Бошланғич баҳоси — 6 783 500 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 24 январь кун соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида шифроқ этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 23 январь кун соат 18:00. Юридаги мулклар 2012 йил 24 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 31 январь кун соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 31 январдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 30 январь кун соат 18:00. Савдо голиби деб топилган шахста 10 иш кун ичиде сотуни билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти оқилди. Юридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси — «FMM» МЧК Фаргона вилоят филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тулашлари шарт: 20208000704943063001, МФО 00497, СТИР 302134194. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. www.rtm.uz

Представительство Международного благотворительного фонда «YOUNG NAK» (США) в Узбекистане зарегистрировано в Министерстве юстиции Республики Узбекистан 27 февраля 2004 года, лицензируется решением Ташкентского городского суда по гражданскому делу от 28 ноября 2011 года. Претензии принимаются в течение 2х месяцев со дня публикации объявления по адресу: Ташкентская область, Юкский районский район, Ф/х Ил-ота, ул.Фаргона йули, 9/122.



Ўшлар — келажакимиз

(Давоми. Боши 1-бетда). Ўрол Адиллов, ЎЗКУФК меҳнати муҳофаза қилиш бўлими мудири: — Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратиляпти. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шотилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси»га кўра Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «16 ёшгача бўлганларни ишга қабул қилиш Тартиби» тасдиқланди. Ушбу Миллий ҳаракат режасининг ижросини қатъий таъминлашга кўмаклашиш, унга риоя қилиниши устидан жамоат назоратини кучайтириш мақсадида жамоа шартномаларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан келишилган жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялардаги Меҳнати муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунасига мослаштириш ва уларнинг ҳар йилда камида бир марта меҳнат жамоаси томонидан муҳофаза этилишига эришиш лозим бўлади.

Бу билан нафақат ходимларнинг меҳнати муҳофаза этилишига, балки ҳар хил шароитларда ишлаётган ёшларга қўнучликда белгиланган қаролат ва жамоа шартномалари орқали имтиёз ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришилади. **Улуғбек Газиев, ЎЗКУФК юридик бўлими мудири:** — Фаолиятимиз асосан меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, мулкӣ манфаатларини ҳимоя этишдан иборат. Ҳуқуқ ижодкорлиги ва уни амалда қўллаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, қонун ҳужжатларининг моҳиятини етказиш, аъзолар ва бошқа фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиб ҳал этиш, турли ташиқлотларда меҳнатқашлар манфаатини ҳимоялаш каби вазифалар доимий эътиборимизда. Бундан ташқари, «Ишонч телефони» ва «Ҳуқуқий маслаҳатхона»лар хизмати ташқил этилди. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 500 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 300 га яқини меҳнатқашларни ишга тиклаш билан боғлиқ бўлиб, 180 таси касаба уюшмаларининг тақдимномалари, қолганлари судларга мурожаат этиш орқали ижобий ҳал этилди. **Эътиборхон Раҳмонова, ЎЗКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси:** — Фаолиятимиз кенг қамровли бўлиб, асосан, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, меҳнатқашлар фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштириш ҳамда давлат ва жамоат ташқилотлари билан ҳамкорлик йўналишларида иш олиб борилади.

ларини оромгоҳларда соғломлаштириш ҳамда давлат ва жамоат ташқилотлари билан ҳамкорлик йўналишларида иш олиб борилади. Жумладан, маънавий-маърифий тадбирларимиз меҳнатқашлар эътиборига сазовор бўлаётгани кўтарилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари спортчиларининг муваффақиятлари мамлакатимиз довуғунчи дунёга ёймоқда. Яна бир эътиборли томони, бу йил ёзи соғломлаштириш мавсумида 269 мингдан зиёд меҳнат-

битқазилган маъмур зиё масканига биринчилардан бўлиб ташқилотлари билан қувонч бағишлади. Бу ерда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлиги тўғрисида Битим имзоланди. — Мазкур Битимнинг касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши вакиллари гувоҳлигида имзоланишида ўзига хос рамзий маъно бор, — деди Федерация кенгаши

Келажакимиз пайдевори

кашларнинг фарзандлари соғломлаштирилди. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа қўнучлик билан мустақам алоқа ўрнатганмиз. Ҳар бир касаба уюшма ташқилотида маънавият соатлари ташқил этиш эзгу мақсадларимиздан бўлиб, унда Президентимиз томонидан тақлиф этилган Конвенция ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остана-сида» каби асарларининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда юқоридаги мавзулар юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафдорича жавоб берилди. Очик-йўқот қаршида ўтган тадбир барчада яхши таассурот қолдирди. Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг IV мажлиси бўлиб ўтди. Унда қатор ташиқлий масалалар қўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

раиси Танзила Нарбаева. — Юрт-бошимиз томонидан «Мустақам оила йили» деб номланган келгуси йилда ҳар бир касаба уюшма аъзоси ва уларнинг фарзандлари маънавий дунёсини янада бойитишда бўлгунги ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Анжуман иштирокчилари ақборот-кутубхона бўлими мудири Умида Тешабоева раҳбарлигида кутубхона фаолияти билан ташиқилди. Бу ердаги улкан маънавий бойликдан ҳар қанча гурунқилардан азийди. Ахир, шундай қолсона, шундай маърифат маркази авлодлар хизматига шайлаиб турган бўлса, бундай бахтдан қувонмай бўладими?! — Бугунги анжуманда қатнашиб, ҳали ўзимиз тасаввур қила олмаган, аммо юртимизда содир бўлаётган қўнлаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди, — дейди иштирокчилардан Азиза Йўлдошева. — Пойтахтимизда бундай мухташам кутубхонанинг барпо этилиши юртимизда маънавиятга қаратиляётган эътиборнинг яққол намунасидир. Биз жойлардаги тенгдошларимизга бу ҳақда албатта сўзлаб берамиз.

Акмал ТОШЕВ, Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбирлари, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Мукофот

Турниёз бобонинг «призи»

Мақтабдан қайтаётиб муолишда турган уч-тўрт бола эътиборини торти. Қизиксиниб сўрадим: — Бировни кутаяпсизларми? — Турниёз бобони кутаяпсиз, почтадан нафақа пулини олгани кетувди, — деди новчароғи. — Бобо пул олса, сизларга нима алоқаси бор? — Алоқаси бор-да, — деди қўлида кундалик дафтар тутган қизалоқ жилмайиб, — биз олган баҳомизни кўрсатамиз, кейин у киши бизга «приз» беради. — Бизларга ҳам, — деди қолган иккита бола. — Мен курашдан биринчи ўринни олдим, мана дипломим, — деди боғли новча бола. Кўча бошида қўлида нимадир кўтарган Турниёз бобо кўринди. Болалар шу томон югуриб кетишди. Кейин эса бобо болалар билан ариқ четидида чимзорда ўтириб ниманидир муҳокама қилгач, кундаликлари кўздан кечириб, уларга совға улашди. — Нега Ботир кўринмайди? — сўради бобо. — Кеча тарихдан уч баҳо олиб кўиди, келолмайди, уялади. — Айтинглар, янаги оймага гайрат қилсин! Болалар «ҳўп бўлади», дейишиб, уйларига жўнашди. Холи қолгач, Турниёз бободан бу ишининг сабабини сўрадим. — Эй, қизикимиз, домла, беш-олти минг пул қаерда қолмайди. Болалар ҳам бегонамас. Кўрапсизми, улар совғани қўлга киритиш учун тинмай ўқишади. Бир кун келиб олимми, дўхтурми, муаллимми бўлишса, элга нафи тегади. Шундай эмасми? Касби-қори оддий тракторчи бўлган қариянинг олижаноблиги қойил қолдим.

Беш баҳонинг сири

Бир суҳбатда бошланғич синф ўқитувчиси Анара Холмуродова: «Садин аканинг болалари фақат аъло баҳога ўқишади», дея мақтаганди. Қўнларнинг бирида қишлоқ гузаридида чойхонада Садин ака Кароматов билан суҳбатлашиб қолдим. — Ўзим ҳам ўқувчилик давримда ўн йил синфбоши бўлганман. Кейин олийгоҳга ўқишга ҳам кирувдим, бир сабаб туфайли тугатолмадим. Шофёр бўлиб ишладим. Аммо билим олишга бўлган иштиёқ ҳозир ҳам тинч қўймайди. Тарих, сиёсат, фалсафага оид китобларни мўтлава қилишни яхши кўраман. Балки мендида бу қизиқиш болаларимга ҳам ўтгандир. Икки ўғлим олий маълумотли, ҳозир пойтахтда ишламоқда. Мақтабда ўқийдиганларининг кундалигини ойда бир-икки бор текшираман. Дафтар-қалам учун пул бераётганда энг кўп беш баҳо олганига озгина мукофот пули қўшиб юбораман. Бу бошқаларига ҳам таъсир қилади. Яна бир гап. Халқимизда «Кўш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Ота-онанинг илгга нисбатан эътибори юқори бўлса, фарзандлар ҳам илмсевар бўлиб тарбияланади.

Ўролбой ҚОБИЛ, Қамаш тумани

БАЙРАМ — БОЛАЛАРНИКИ



Инсон умрини тўрт фаслга менгайдиган бўлсак, унинг қаймоғи болаликдир. «Фарзандинг билан беш ёшгача шох билан каби муомалада бўл...» дейилади қадимги Ҳиндистон хикматларида. Шу сабаб, болалик фаслидаги ҳар қандай шўхлик ва эркалик катталар томонидан кечирилади.

Тиббиёт
Кейинги йилларда 1-Республика тиббиёт коллежининг моддий-техник базаси мустақамлашиб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган мақолали мутахассислар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Амалий машғулотлар нуфузли шифохоналар, оилавий поликлиника ва дорихоналарда олиб борилади.

Замон талабига мос
Мақолалида Япониянинг «JICA» агентлиги ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Ҳамширалик таълимини тақомиллаштириш» маркази фаолият кўрсатаётди. Компютер ва назарий фан хоналари, операция бокси, ақборот-ресурс маркази, маънавий маскани ҳамма ёшлар билан таълим.

Ўқувчилар «Ҳамширалик иши», «Даволаш иши» ва «Фармация» йўналишларида мақолали ўқувчилар, фан номзодлари, илгор давлатларда мақолали олиб ўқиётган мутахассислардан таълим олишаётди. Коллеж битирувчилари нафақат Ўзбекистонда, ҳамдустлик мамлакатлари, АҚШ, Германия каби давлатларда фаолият юритаётгани ҳам беҳиз эмас.

Дилфуза ТўРАКУЛОВА, 1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Байрамлар ҳар бир инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, болалар учун. Улар бу пайтда катталардан ўн баробар кўпроқ қувонишади. Шу сабаб, байрамлар — болаларники, деб бемалол айтиш мумкин. Янги йил — сеҳрли байрам. Ясатилган арча, қорбобо ва қорқизнинг ташрифи, бир-бирдан ажойиб совғалар, қуй-қўшиқлар, бунинг барчаси бола кўнглини қувончга тўлдириб, унинг хотирасида ўчмас из қолдиради. Ҳадемай, юртимизда янги йил байрамини бағишланган тадбирлар бир-бирига улашиб, кўчалар, сайлгоҳлар, мактаб ва боғчалар болажонларнинг шодон қийриқларига тўлиб кетади. Бундай пайтда ота-онанинг қувончини таърифлашга тил ожиз. Зеро, фарзанд оилани мустақамловчи, эр-хотинлик ришталарини чамбарчас боғловчи воситадир.

Назира БОЙМУРОДОВА. Муаллиф олган суратлар

Халқаро турнир
Улар — эртанги олимпиячилар
Қарши Олимпия захиралари спорт коллежида 1997-1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича спорт устаси Минкаил Омариев хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнир оттинчи бор голбларни аниқлади.

Қа ш қ а д а р ё в и л о т д з ю д о федерацияси ҳамда «Барс» спорт клуби ҳамкорлигида ўтган турнир ёш истеъодларни кашф этиш баробарида воҳада дзюдо ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Мусобақада Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан, шунингдек, Тожикистондан 500 нафардан ошдиқ ёш полвон уч кун давомида ўнта вазн тоифасида татамига чиқиди.

Баҳолар якунида олотлик Шохжаҳон Тўхтаев, Обид Тўхтаев, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари Хуршид Қодиров, Нуракбил Нуралиев, Ҳамид Абдуллаев, Урал Хусанов, Самарқанд Олимпия захиралари коллежидан Комрон Нураллаев, Сардор Каримов, қоракўллик Суҳроб Эргашев, Қашқадарё вилоят 12-сонли спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Оббек Узоқов ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди.

— Спортнинг маҳорати мусобақаларда сайқалланади, — деди биз билан суҳбатда Қаршидаги 12-сонли вилоят ихтисослашган спорт мактаб-интернати мураббийи Раҳмон Фуломов. — Минкаил Омариев хотира турнирига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда ва бу биз учун истеъодларни саралашда асқотди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлик, спорт либослари ҳамда бошқа эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Маданият саройлари касаба уюшмаси оталигида

Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшмаси қўнматасига қарашли И.Мухамедов номи Металлургия маданият саройи жамоаси учун ўтаётган йил муваффақиятларга бой бўлди. Айни пайтда маданият саройи қошида 14 та бадий ҳаваскорлик тўғраги фаолият кўрсатмоқда. «Парвоз» намунали рақс, «Шодиёна» фольклор, «Булбулча» болалар қўшиқ дасталари, «Стартин» намунали болалар эстрада, «Метко» қўнқоқлар ва зукқолар, «Мерос» доирачилар ва карнай-сурнайчилар гуруҳлари, «Любава» славян қўшиқлари ансамблида комбинат ишчи-хизматчилари ва шаҳар меҳнатқашларининг 220 нафардан ортиқ ўғил-қизлари қатнашди.

Олма дарахти тагига олма тушади

Тўғрак раҳбарларининг ақсарияти ёш мутахассислар. Юртимиз ва хорижий давлатларда ўтказилаётган халқаро фестивалларда қўлга киритилаётган юқори натижаларда уларнинг ҳам муносиб улуши бор.

«Стартин» намунали болалар эстрада гуруҳи 2009 йилда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган III халқаро хореография танловида фахрий ўрин соҳибига айланди.

«Парвоз» рақс дастаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Намунали жамоа» унвони билан тақдирланган. «Мерос» доира ва карнай-сурнайчилар гуруҳи эса 2010 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташқил этилган «Ўзбекистон — ватаним меним» кўрик-танловида, «Любава» славян қўшиқлари ансамбли Тошкент Давлат консерваториясида ўтказилган «Игра гармон» фестивалида муваффақиятли иштирок этишди.

— Июн ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташқил этилган «Истиқлол гунчалари» республика кўрик-танловида «Парвоз» рақс дастаси қатнашчиси Шохсанам Абдужалилова яққа рақс йўналишида 1-ўринни, «Булбулча» болалар қўшиқ дастаси аъзоси Мадина Абдуразоқова эстрада йўналиши бўйича, Мафтуна Бобоева эса аънавий ижрочилик йўналишида 3-ўринни эгаллашди, — дейди маданият саройи директори Фахриддин Мамажонов. — Эришилаётган ютуқлар, қўлга киритилаётган юқори натижалар аъзолар сафи кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бунда, сўзсиз хомий ташқилот — касаба уюшмаларининг ўрни беҳиздир.

Жамшид ЭРГАШЕВ

Ўтганларнинг охирига овод бўлсин
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси касаба уюшма фахрийси **Ҳабулла НИГМАНОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Insonga naf keltirish
Muassis: **O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**
Bosh muharrir: **Abduxoliq Abdurazzoqov**
Tahrir hay'ati: **Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV** (Bosh muharrir o'rinbosari), **Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV** (Mas'ul kotib), **Anvar YUNUSOV**
Bo'limlar: **Kasaba uyushmalari hayoti** 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** 256-03-90, **Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat** 256-87-74, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** 256-87-73
Viloyatdagi muxbirlar: **Andijon** +99897 465 05 68; **Buxoro** +99893 653 50 81; **Jizzax** +99872 360 00 10; **Navoiy** +99893 725 46 40; **Namangan** +99897 491 79 28; **Samarqand** +99866 708 70 12; **Surxondaryo** +99897 458 05 07; **Farg'ona** +99873 221 93 19; **Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm** +99862 562 56 75; **Qashqadaryo** +99897 414 30 78
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: **ishonch2011@gmail.com**
Nashr ko'rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: **A.Toshev**
Navbatchi: **S. Abdurahmonov**
Musahhih: **S. Shodiyeva**
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: **H.Abduljililov**
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikri ta'biyiyat nuqtasi nazaridan farqlanishi mumkin.
H - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma toki.
Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.45
Buyurtma Γ — 1211
12884 nusxada bosildi
1 2 3 4